

Пауло  
Козло

---

# Алкимёгар



КИҒИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ  
2013

**УЎК: 821.134.2-3**

**КБК: 84(4Порт)**

**К-75**

**Козло, Пауло**

Алкимёгар: роман / П. Козло; таржимон А. Саид; масъул муҳаррир Н. Нарзуллаев. – қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 184 б.

Одамзоднинг бу дунёдаги яккаю ягона, олий вазифаси – Ўз Тақдирини рўёбга чиқаришга эришувидир...

Барча одамлар ёшлик пайтларида ўз тақдирларини биладилар... Аммо фурсат ўтиши билан сирли бир куч уларни Ўз Тақдирларини рўёбга чиқариш имконсиз эканлигига ишонттира боради.

Бу сирли қудрат инсон зотига ганимдай туюлади, аслида эса ўз тақдирини қандай рўёбга чиқариш Йўлини худди ана шу қудрат кўрсатиб беради. У инсоннинг руҳини ва эркини ўша буюк вазифага тайёрлайди. Бу қурраи заминда олий бир ҳақиқат мавжуд: қачонки сен ниманидир астойдил истасанг, албатта унга эришасан, чунки бундай истак Оламнинг Руҳида дунёга келган бўлади. Сен ер юзида худди ана шунинг учун яратилгансан.

«Алкимёгар» романи замиридаги ушбу ҳикмат ўтмишда ўтган ёхуд ривоят қаҳрамони бўлган кимнингдир ҳаётигагина тааллуқли эмас, бу сизу биз учун ҳам, биздан кейингилар учун ҳам ўтилажак Йўлди. Балки бугун бу китобнинг дунёдаги 120 мамлакатда севиб ўқиладигани ҳам, Пауло Козлонинг дунёнинг энг машҳур ёзувчисига айлангани ҳам бежиз эмасдир.

«Алкимёгар» ҳақида гапирганда Ричард Бахнинг «Жонатан исми чағалай», «Тасаввурлар» ёки Экзюперининг «Кичик шаҳзода» сингари эртақ-ривоятларини эсламасликнинг сира ҳам иложи йўқ. Аммо «Алкимёгар» уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди.

**УЎК: 821.134.2-3**

**КБК: 84(4Порт)**

**Таржимон:**

Азиз Саид

**Масъул муҳаррир:**

Нормурод Нарзуллаев

ISBN 978-9943-08-969-3

© Пауло Козло. «Алкимёгар». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## «ЎЗ ТАҚДИРИМИЗ» ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА\*

Чўпон йигит Сантягонинг саёҳатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Алкимёгар» асари замиридаги асосий тушунча – «Ўз Тақдирим» тушунчасидир. «Ўз Тақдирим» – нима ўзи бу? Бу – ҳаётимизнинг олий моҳияти – рўйи заминдаги умргузаронлигимиз учун Тангримиз тайёраб қўйган Йўл. Бироқ энг муқаддас орзулари истиқболига ана шу Йўлдан боришга журъат топиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Нега ҳамманинг ҳам орзу-умидлари рўёбга чиқармайди?

Бунга йўлдаги тўртта гов халақит беради. Биринчиси шуки – *одамзодга гўдаклигидаёқ ҳаётдаги энг катта орзулари – амалга ошмайдиган орзулар* деб сингдирилади. У ана шу тушунча билан улғаяди, йиллар ўта борган сайин унинг қалби беҳисоб истиҳолалар ва қўрқувдан қурум боғлаб боради, гуноҳкорлик ҳиссига тўлиб қолади. Бир куни шундай лаҳза келдики, Ўз Тақдири Йўлидан бориш истаги ана шу чиркин юк туфайли унга ўлимдан ҳам қўрқинчлироқ бўлиб туюлади ва ўшанда инсон ўзини бу дунёга нима учун келганлигини англаш туйғусидан маҳрум бўлиб қолгандай ҳис қилади. Аслида ўшанда ҳам ўзининг олий моҳияти борасидаги тушунча ҳали қалбида жон сақлаб турган бўлади.

Мабодо инсонга ўз қалбининг туб-тубига чўккан орзуларини қутқариб олишга журъати етса ва уни рўёбга чиқармоқ учун курашдан воз кечмасликка аҳд қилса, у одамни янги бир синов кутиб туради: *Муҳаббат!*

---

\* Ушбу сўз боши романнинг рус тилидаги нашрига ёзилган бўлиб, баъзи қисқартиришлар билан берилмоқда. (*Таржимон*).

У ҳаётнинг қандай неъматига рўбарў келганини, қандай ҳиссиётларни бошдан кечириши мумкинлигини билади, аммо, ҳамма нарсадан воз кечиб, орзуларимга эргашиб кетсам, яқинларимни азоб ва изтиробга қўяман, деб қўрқади. Бу эса ўша одам муҳаббат тўсиқ эмаслигини, у халақит бермаслигини, аксинча, олға интилишга мадад беришини англамайди деган гап. Аммо, ўша инсонга кимки эзгулик соғинса, унга қўлини чўзади, тушунишга ва бу йўлда уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Қачонки инсон муҳаббат тўсиқ эмаслигини, йўлдаги йўлдош, кўмакчи эканлигини англаб етган чоғ уни тўртинчи ғов қарши олади: *омадсизлик ва мағлубият қўрқув!* Ўз орзуси учун курашаётган инсон бошқаларга нисбатан кўпроқ азоб чекади, қайсидир амали айтганидай чиқмай қолса: «Садқаи сар, ўзим ҳам ўлиб турганим йўқ эди», қабилида қўл силташга ҳам ҳаққи йўқ. Чунки бу фақат ўзининг хоҳиши эканлигини ва бу йўлда борини тикканлигини ҳам яхши билади. У яна Ўз Тақдири белгилаган йўл бошқа йўллар сингари машаққатли эканлигини, бу йўлда «қалби ўзи билан бирга» эканлигини ҳам яхши англайди. Шунинг учун ҳам Олам Жангчиси ҳаётнинг энг мушкул дамларида асқотадиган сабр-бардошга эга бўлмоғи ва унинг орзуси ақл бовар қилмас тарзда бўлса ҳам ушалмоғига бутун Олам ёрдам беришига ишониши лозим.

Сиз: – Мағлубиятлар ҳам шунчалик зарурми? – деб сўрашингиз мумкин. Зарурми, йўқми – улар юз беради. Инсон ўз орзу-умидлари учун эндигина курашга кирган чоғида тажрибасизлиги туфайли жуда кўп хатоларга йўл қўяди. Ҳаётнинг моҳияти ҳам аслида шу – етти марта йиқилиб, саккиз марта оёққа туриб кета олишда.

Сиз яна: – Агар шундай экан, Ўз Тақдиримизга эргашганлигимиз туфайли бошқаларга нисбатан кўпроқ азоб чекар эканмиз, нима кераги бор эргашишининг? – деб сўрашингиз мумкин.

Шунинг учунки, омадсизликлар ва мағлубиятлар ортда қолган кун – бир куни албатта ортда қолади – биз ўзимизни бутунлай бахтли ҳис қиламиз ва ўзимизга кўпроқ ишона бошлаймиз. Чунки қалбимизнинг туб-тубида биз ўзимизни ғайриоддий ҳодисалар юз беришига лойиқ одам, деб ҳисоблаймиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати бу – Шарафли Жангнинг лаҳзаларидир. Секин-аста биз умримизнинг ҳар бир дақиқасидан завқу шавқ олишга, ҳар бир дақиқасидан роҳатланишга ўргана борамиз. Кутилмаганда бошимизга тушадиган балои қазодан тортадиган азобимиз нақадар кучли бўлмасин тезда ўтиб кетади, унутилади. Лекин чидаса бўладигандек, унчалик катта фожиа эмасдек туюладиган бошқа азоб бор: бундай азоб йиллаб давом этади, билинтирмасдан, муттасил равишда қалбимизни емира боради ва ҳеч қачон чора топиб бўлмайдиган ғам бўлиб қалбимизда батамом ўрнашади, ҳаётимизни эса сўнгги кунигача қора қайғуга айлантиради.

Шундай қилиб, инсон, ўз қалбининг тубига чўкиб бораётган олий орзусини қутқариб олиб, беқиёс меҳр ва муҳаббат билан парвариш қилади, уни рўёбга чиқариш йўлида орттирган юрагидаги жароҳатлар ва чандиқларга ҳам парво қилмайди, дафъатан у шунча узоқ интилган орзуси ушалаётганини, ҳатто эрта-индин рўёбга чиқиши мумкинлигини сезиб қолади. Айни шу дамда уни сўнгги ғов, сўнгги синов кутиб туради: *ҳаётининг энг олий орзуси ушалиши олдидаги қўрқув.*

Оскар Уайлд: «Одамзод доимо ҳаётидаги энг севган нарсасини барбод қилади» – деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсон умр бўйи интилган орзуси амалга ошаётганлигини англаган дақиқада қалби гуноҳкорлик туйғусига тўлади. Атрофга қараб орзу-умидларига эришолмаган кўплаб одамларни кўради ва «мен ҳам бу бахтга муносиб эмасман», деб ўйлай бошлайди. Инсон шу орзусини деб чеккан изтиробларини, азобларини, берган қурбонликларини унутади. Мен шун-

дай одамларни биламанки, Ўз Тақдири йўлидан бориб, бутун қалби ва вужуди билан интилган олий орзуларига қўл чўзса етадиган даражада яқин қолганларида, сўнгги лаҳзада шундай тентакликлар қилишганки, натижада орзулари яна орзулигича қолиб кетаверган.

Ана шу тўртта говдан энг доғулиси, номаълум бир муқаддаслик, илоҳийлик либосига буркангандек туюладигани – *музаффарлик нашидаси ва қувончидан воз кечиши туйғусидир!* Агар қачонки инсон, ўзи жидду жаҳд билан курашган орзусига ўзини муносиб ҳисобласа, у гўёки Худонинг қўлидаги қуролга айланади, мана шу оламга, Қурраи Заминга ташрифининг асл моҳияти унга аён бўлади.

«Алкимёгар» романи ана шулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қилади.

*Пауло Коэло,  
2000 йил, июл.*

## СЎЗ БОШИ

«Алкимёгар» – рамзий роман эканлигини, бирорта ҳам сўзи тўқиб ёзилмаган «Сеҳргарнинг кундалиги» асаридан шуниси билан ҳам фарқ қилишини ўқувчиларга айтиб қўйишни ўз бурчим, деб биламан.

Мен ҳаётимнинг ўн бир йилини алкимёни ўрганишга бағишладим. Сеҳргарлик дунёсига илк қадам қўйган одам учун биргина хоҳлаган маъданни олтинга айлантира олиш ёки Боқийлик ал-Иксирини\* топиш орзусининг ўзигина нақадар жозибали. Тўғриси айтишим керак, ал-Иксир фикру хаёлимни бутунлай эгаллаб олган эди, чунки мен ҳали Худонинг мавжудлигини тўла ҳис қилмас эдим, қачондир ҳамма нарса бутунлай интиқосига етиши мумкинлигини ҳам ақлимга сиғдиролмасдим. Шу аснода мен ердаги умргузаронликни узоқ йилларга чўза оладиган суюқлик тайёрлаш мумкинлиги ҳақида эшитиб қолдим ва ўшани тайёрлашга ўзимни бутунлай бағишлашга қарор қилдим.

Бу етмишинчи йилларнинг бошидаги, ҳали гайриилмий фанлар борасида жиддий ишлар қилинмаган, аммо катта ўзгаришлар арафасидаги гап. Ушбу китобдаги қаҳрамонларнинг бирига ўхшаб, мен ҳам алкимё ҳақида бутун дунёда ҳозирга қадар ёзилган китобларни сотиб олишга бор-будимни сарфладим, мақсадим уларнинг мураккаб, рамзий тилини ўрганиш эди. Рио де-Жанейрода Буюк Яратувчилик билан жиддий шуғулланаётган бир неча олимларни излаб топдим, аммо улар мен билан учрашишни истамадилар. Ўзларини

---

\* Адабиётларда «Элексир», «Оби ҳаёт», «Тириклик суви» деб ҳам юритилади. (тарж.)

алкимёгар деб эълон қилган, махсус тажрибахоналари (лабораториялари) бўлган ва хоҳдаганларга афсонавий пуллар эвазига сирларини очишга тайёр турган «халқ» билан ҳам танишдим; ўзларини билимдон деб биладиган соҳаларида уларнинг ғирт саводсиз эканликлари бугун менга кундай равшан.

Менинг саъю ҳаракатларим, интилишларим ҳавога соврилди. Алкимё китобларининг қуёш, ой, шер ва аждарҳоларга тўлиб тошган рамзий тилида баён қилинган бирорта амални бажара олмадим. Доим ўзим-ўзимга тўғри йўналишдан кетмаётгандек туюлаверардим: маълумки, рамзий тил нотўғри талқинлар учун беҳисоб имкониятлар қолдиради. Астойдил уринишларим давомида бир баҳия ҳам олға силжий олмаганимдан умидсизликка тушиб, 1973 йилда ўта бир бемаъни иш қилиб қўйдим. Ўша вақтда Маи-Гросс штати Таълим Бошқармаси мени театр санъати бўйича машғулотлар олиб боришга таклиф қилди, мен эса талабалар театр-студиясида Зумрад-Лавҳ мавзусида спектакл қўйишга қарор қилдим. Бу ишим менга қимматга тушди. Сеҳргарликнинг омонат пойдеворига мустаҳкамроқ ўрнашиб олиш учун қилган саъю ҳаракатларим, ўтказган тажрибаларим оқибати шу бўлдики, бир йилдан сўнг «Калава қанча чувалмасин, барибир ниҳояси бўлади» мақолини ўзимда синаб кўрдим.

Кейинги олти йил ичида ғайб илмига оид ҳар бир нарса кулгимни қистатадиган бўлиб қолди. Ана шу руҳий бадарғалик давомида ўзимга бир қанча муҳим хулосалар чиқариб олдим:

*– биз у ёки бу ҳақиқатни аввал бошида уни бутун қалбимиз билан рад қилганимиздан сўнг қабул қиламиз;*

*– ўз тақдирингдан қочишининг ҳеч ҳожати йўқ – барибир қочиб қутулолмайсан;*

*– Худонинг қаҳри қаттиқ, аммо Унинг марҳамати ҳам чек-чегарасиз.*



1981 йилда ҳаётимга устозим – Рама кириб келди, унга мени аввалги йўлимга қайтариш тақдир қилинган экан. Рамадан олаётган билимларимга қўшимча равишда, таваккал қилиб яна алкимёни ўрганишга киришдим. Бир куни кечқурун, тинкани қуритадиган узоқ телепатик амалдан сўнг, устоздан: «Нега алкимёгарлар бунчалик мураккаб ва ноаниқ ёзадилар», – деб сўрадим.

— Алкимёгарларнинг уч тоифаси бор, – деб жавоб берди у. – Биринчиси фақат мавҳумлик томон судралади, чунки ўз фанини ўзи билмайди. Кейингиси биледи, лекин уларнинг алкимё тили қалбга эмас, ақлга йўл излайди.

— Учинчи тоифаси-чи? – сўрадим мен.

— Учинчиси – алкимё ҳақида умуман эшитмаган, аммо ўз ҳаётлари билан Ҳикмат Тошини ярата олганлардир.

Ана шундан кейин иккинчи тоифага мансуб бўлган Устозим менга алкимёдан сабоқ беришга киришди. Тез орада алкимёнинг шу пайтгача мени адаштириб ва ғашимга тегиб келган рамзий тили – Олам Руҳини англашнинг ягона йўли эканлигини тушундим. Юнг Олам Руҳини «оммавий онгсизлик»<sup>3</sup> деб номлаган эди. Мен Ўз Йўлимни ва Тангри Аломатларини кашф этдим – булар ниҳоятда оддий бўлгани боис менинг тафаккур даражам қабул қилмай келган ҳақиқат аломатлари эди. Буюк Яратувчиликка эришиш вазифаси эса бир ҳовуч ноёб одамларнинг эмас, балки ушбу сайёрадаги бутун инсониятнинг қисмати эканлигини ҳам билиб олдим. Тўғри, Буюк Яратувчилик ҳамма вақт ҳам қаршимизда битта тухум ва бир шиша суюқлик шаклида намоён бўлавермайди, ле-

---

<sup>3</sup> Карл Густав Юнг (1875-1961) швейцариялик руҳшунос, файласуф. Бизнингча «оммавий онгдан ташқари» бўлса керак. (тарж.)

кин ҳар битта инсон Олам Руҳини кашф этишга ва унга уйғунлашиб кетишга қодир. Мана, «Алкимёгар» нима учун рамзий китоб бўлди, унинг саҳифаларида мен нафақат алкимё ҳақида билганларимни тасвирлаганман, балки Умумбашарий Тилни эгаллаган буюк ёзувчиларнинг: Хемингуэй, Блейк, Борхес (менинг китобим унинг бир ҳикоясидаги ўрта асрларда Эронда бўлиб ўтадиган воқеага ўхшаб кетади), Малба Тагана ва бошқаларнинг улғу хизматларини эътироф этишга ҳаракат қилганман.

Ҳаддан зиёд кенгайиб кетган сўзбошим ниҳоясида Устозим учинчи тоифага қайси алкимёгарларни киритганлигини ойдинлаштириш учун, у зот бир куни тажрибахонада айтиб берган воқеани баён қилмоқчиман:

Кунлардан бир куни Биби Марям қўлидаги чақалоғи Исо билан ер юзига тушибди ва роҳибларнинг ибодатхонасига кирибди. Ташрифдан фахру гурурга тўлган роҳиблар саф тортишибди ва Биби Марям шарафига ҳар бири ўз маҳоратини намоён қила бошлабди: бирови ўз шеърларидан ўқиб берибди, бошқаси Тавротни нақадар мукамал билишини намойиш қилибди, яна бири эса жамики авлиёларнинг номини санаб берибди. Шундай қилиб, роҳибларнинг ҳар бири ўз кучи ва иқтидорига қараб Биби Марям ва чақалоқ Исони шарафлабди.

Охирида ғарибу бечора бир роҳиб бола қолибди, у ҳатто Муқаддас Китоб дуоларини ҳам ёдлаб айтолмас экан. Унинг ота-онаси ҳам саводсиз бўлиб сайёр масхарабозлар экан, шу сабаб ўғилларини ҳам фақат шарларни отиб ўйнашга ва ҳар хил содда кўзбойловчилик ўйинларини кўрсатишга ўргатишган экан.

Роҳиб боланинг навбати етганда барибир Биби Марямга ҳеч вақо айтиб ҳам беролмайди, устига устак ибодатхонани шарманда қилиши ҳам мумкин деб роҳиблар тантанани яқунлаб қўя қолишмоқчи бўлишибди. Лекин у Биби Марям ва гўдак Исога ўзини бир лаҳза



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/416> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/416> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/416>